Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 90 (6980). | 15 май, 1979 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЛУБЧИЛАР ЭКИБ БЎЛИШДИ

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари каноп экиб бўлди. Қарийб 18 минг гектар ерга каноп экилди. Илк бор бу йил ҳамма майдонга каноп кенг эгатларга қўш қатор қилиб экилди. Тажрибалар бундай экиш гектаридан 240 центнергача мўл ҳосил беришини кўрсатди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида Тошкент областининг лубкорлари давлатга 315 минг тонна каноп топширишга аҳд қилдилар.

СУВ КЎКАТЛАРИНИНГ НАФИ

«Северний маяк» колхозининг деҳқонлари Ўрта Чирчиқ районида биринчи бўлиб 220 гектардан иборат бутун далага шоли экиб бўлдилар. Шоли экиш олдидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институти таклиф қилган технология бўйича сув кўкатлари суспензияси билан уларга ишлов берилди. Суспензия эса колхоз устахонасида монтаж қилинган установкада тайёрланди.

Бундай ишлов берилган уруғлик қийғос униб чиқади ва ҳосилни 6—7 центнер оширади. Колхоз шоликорлари гектар бошига пландаги 45 центнер ўрнига 70 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар. Коммунист Раиса Тигай бригадаси эса 83 центнерли ҳосил учун курашмоқда.

Бу йил сув кўкатлари суспензияси билан ишлов берилган уруғлик область хўжаликларида булутургига қараганда уч карра катта майдонга экилади.

О. ПАНОВА.
(ЎзТАГ).

ПРОПАГАНДАМИЗ — ҲУЖУМКОР, ЖАНГОВАР БЎЛСИН

Совет кишиларининг коммунистик онгини шакллантириш партиянинг оммага ғоявий таъсирини муттасил кенгайтириш ва чуқурлаштиришни, партия пропагандаси ва агитациясини ҳар томонлама такомиллаштиришни талаб қилади. Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида пропаганда ва агитациянинг асосий вазифаларини КПСС XXV съезди аниқ ва равшан белгилаб берди. КПСС Марказий Комитетининг «Идеология, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида шу вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўллари атрофлича баён этилди.

Бизнинг пропагандамиз коммунизм қураётган совет халқининг қураши ва меҳнати билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли ҳамиша ажралиб келган ва ҳамиша ажралиб турибди. У Коммунистик партия тарбиявий, бутун революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг қудратли омили бўлиб, миллион-миллион кишиларни меҳнат зафарларига сафарбар этмоқда ва руҳлантирмоқда, уларнинг бунёдкорлик ғайрати ва ташаббускорлигини ривожлантирмоқда, камчиликларни аниқлаб, бартараф этишга ёрдам бермоқда. Партия ташкилотлари пропаганда ва агитация иши соҳасида орттирган бой тажриба буни яққол тасдиқлайди. «Пропагандистнинг билими, ғоявий эътиқоди, ташкилотчилик истеъдоди — беш йилликка хизмат қилсин» шиори остидаги ҳаракат қаётга актив кириб бориш намунаси бўлиб қолди. СССРдаги коммунистик қурилишнинг жонли практикаси билан, жаҳон революцион жараёнининг ривожи билан айни узвий боғланиш пропаганда ва агитациямизнинг таъсирчанлиги, самарадорлиги, жанговар руҳини таъминламоқда. КПСС Марказий Комитетининг қарори партия ташкилотларининг бутун диққат-эътиборини пропаганда ва агитациянинг ҳужумкорлик характерини бундан буён ҳам ривожлантиришга қаратади.

Идеология ишининг ҳужумкорлиги аввало жамики, янги, илғор, перспектив ташаббусларни қўллаб-қувватлашда, олға томон қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит бераётган иллатларга, одамлар онги ва хулқ-атворида умри тугаган эскилик сарқитларига қарши курашда намоён бўлмоқда. Бу ўринда гап ўтмишнинг ҳамон яшаб келаётган яроқсиз сарқитларини таг-томири билан қуритишга пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситалари билан, эҳтиросли, ҳужумкор сўз билан кўмаклашиш тўғрисида, коммунистик аҳлоққа зид, бизга ёт қилиқлар ва жамиятга қарши кўринишларга муросасизликни ривожлантириш тўғрисида бормоқда.

Икки системанинг идеологияда сўзсиз ўткир ўзаро курашининг ҳозирги вазиятида пропаганданнинг ҳужумкорлик руҳини янада ошириш айниқса муҳимдир. КПСС Марказий Комитетининг қарорида уқтириб ўтилганидек, империалистик пропаганда совет кишиларининг онгига жон-жаҳди билан тўхтовсиз ҳужум қилмоқда, энг маккорона усуллар ва техникавий воситалар ёрдамида уларнинг онгини совет воқелигига қилинган туҳмат билан заҳарлашга, социализмни бадном қилишга, империализмни, унинг талончилик, ғайри-инсоний сиёсати ва практикасини бежаб кўрсатишга уринмоқда. Эндиликда пекинлик шовинистлар ва агрессорлар улар билан ошкора ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқда. Ана шу туҳмат пропагандасининг бутун қалбакилигини совет кишиларига тушунтириб бериш, унинг маккорона усулларини конкрет ва яққол фош этиш — ғоявий-тарбиявий ишнинг бош йўналишидан биридир.

Вазифа буржуазия ва унинг гумаштлари идеология соҳасида қилаётган ғаламисликларга ўз вақтида муносиб зарба беришдан иборат. Жаҳон социализми, барча тараққийпарвар кучлар позицияларини мустаҳкамлаш империализм ва гегемонизмга, милитаризм ва реакцияга қарши идеологик ҳужумни авж олдириш учун қулай шарт-шароит яратади. Бизнинг оғзаки ва босма пропагандамиз, газета ва журналлар, телевидение ва радио капитализмнинг тарихан ҳалокатга маҳкум эканини кўрсатиб бериши лозим, унинг халққа қарши, инсон зотига қарши моҳиятини, янги мустамлакачилик сиёсатининг талончилик характерини, «ҳуқуқлар»нинг риёкор ҳимоячилари ҳақиқий башарасини очиб ташлашлари керак. Халқаро кескинликни кучайтиришни, қуролланиш пойгасини тарғиб қилаётган империалистларни фош этиш, оппортунизм ва ревизионизмнинг ҳар қандай шаклларига қарши курашиш лозим.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан ахборот ишининг сифатига боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида уқтириб ўтилганидек, халқаро ишларга доир ахборот анча оператив, тушунарли бўлиши, конкрет фактларга бой бўлиши учун ҳаракат қиладиган, халқаро шарҳлар эса воқеаларни иссиғида изоҳлаб, умумлаштириб берадиган пайт келди.

Душман идеологиясига қарши курашнинг ҳужумкорлиги — буржуазия пропагандасининг ёлғончилигини ва империализмнинг реакцион табиатини фош этишдангина иборат эмас. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: «...Бизни кучли ва идеологик курашдаги позициямизни ҳақиқатан ҳам ҳужумкор қиладиган энг асосий омил — тарихий ривожланишнинг буюк ҳақиқатидир, бу ҳақиқат бизнинг томонимизда, айни биз, бизнинг социалистик тузумимиз, бизнинг коммунизм қуриш программамиз, биз эришиш учун курашаётган идеаллар шу буюк ҳақиқатнинг ўзгинасидир».

Дунёда биринчи ғолиб социализм мамлакати тўғрисидаги ҳақиқатни ер юзи кишиларига етказиш — халқ оммасининг чинакам озодлиги ва фаровонлигини таъминлаган социалистик тузумнинг меҳнаткашларни ҳуқуқсизлик ва қашшоқликка маҳкум этаётган капитализм тузумидан афзаллигини янада тула-тўкис очиб бериш демакдир. Бу — янги жамиятнинг моддий ва маънавий кучлари мислсиз равнақини, ишларимизнинг улуғворлиги, фикризикримизнинг олижаноблиги ва бегуборлигини янада яққол кўрсатиш демакдир. Реал социализм тўғрисидаги ҳақиқатни миллион-миллион кишиларга тушунтириш ва уқтириш — пропаганданнинг, публицистиканинг, ижтимоий фанларнинг, шунингдек адабиёт ва санъатнинг бурчидир.

Идеология иши барча формаларининг жанговар, ҳужумкор характери коммунизм учун курашнинг мана шу муҳим фронти ишониб топшириб қўйилган кадрларга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Партия ташкилотлари пропагандистлар ва агитаторларни, матбуот, радио, телевидение ходимларини шундай тарбияшлари керакки, уларнинг ҳар бири ғояларимиз ва сиёсатимизнинг актив жарчиси бўлсинлар, ғояларимиз ва сиёсатимизни оммага чуқур тушунтириб бера оладиган бўлсинлар, буржуазия идеологияси кўринишларига қарши муросасиз жангчи бўлсинлар.

Коммунистик пропаганда — янги дунёнинг идеология бобидаги ҳужумида қудратли қуролдир. Бу қурол синфий душманнинг сиёсат ва идеология соҳасидаги қўпорувчилик фаолиятига биз ўз сафларимизнинг енгилмас жипслигини, ғоявий бирлигини, бутун совет халқининг чуқур эътиқоди ва юксак сиёсий сергаклигини қарамақарши қўйишимизга имкон беради. Ривожланган социалистик жамият маънавий кучларини янада ўстиришнинг, коммунистик қурилишдаги янги галабаларимизнинг гарови ана шундан иборат.

(«ПРАВДА» газетасининг 14 майдаги бош мақоласи).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети область пахтакорлар советининг 1979 йил май-июль ойларида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги тавсияларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, область суғориш тармоқлари бошқармаси, «Ўзгоскомсельхозтехника» область бирлашмаси, область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ва уларнинг жойлардаги органлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига область пахтакорлар совети тавсияларини икки кундан кечиктирмай барча бригада, колхоз ва совхозларда кенг муҳокама қилиш вазифаси юклатилди.

Ҳар бир район ва хўжаликда пахтакорлар советини чақириш ва унда ғўзанинг аҳволини кўриб чиқиш, эрта ва мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш мақсадида 1979 йил май-июнь ойларида ғўзага ишлов беришни кучайтириш юзасидан конкрет агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди. Бу тадбирларни белгилашда ҳар бригада, колхоз ва совхознинг шароити ҳисобга олиниши зарур.

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация қишлоқ хўжалик бўлимларига, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига область пахтакорлар советининг тавсияларини плакат шаклида тайёрлаш ва уни ҳар бир бригадага етказиб бериш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига илғор колхоз, совхоз ва бригадаларнинг область пахтакорлар совети тавсияларини бажариш соҳасидаги тажрибаларини кенг ёритиш топширилди.

МАЙ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ

ТАВСИЯЛАРИ

Область пахтакорлари КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини, мазкур пленумларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқлари ва докладларида баён этилган қонда ва хулосаларни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми (1978 йил) қарорини ўзларининг жанговар иш программалари сифатида қабул қилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун актив иш олиб бормоқдалар.

Қишлоқ меҳнаткашлари мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, давлатга камида 430 минг тонна пахта топшириш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун ғўза парваришини кучайтириб, фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз ва совхозлар чигит экишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказдилар. Экиш билан бир йўла минерал ўғит ва гербицид солиб кетилди. Барча майдонларда чигит бир текис ундириб олинди.

Лекин бўлиб ўтган кучли ёмғир, жала, айрим жойларда дўл ёққанлиги сабабли тупроқда қатқалоқ ҳосил бўлди. Бу ҳол ғўзанинг ривожини тезлаштиришга жиддий ҳалақит берди.

Ҳозирги кундаги вазифа — барча меҳнат ресурсларини ва механизмларини дала ишларига сафарбар этишдан иборат. Бу механизмлар ва меҳнат ресурсларидан юқори унум билан фойдаланиш устидан контроллик ўрнатиш, сифат комиссияларини ишини кучайтириш ва ана шу йўл билан қатқалоқни тез кун ичида йўқотиш лозим. Ғўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтириш, мўл ва эртаки ҳосил етиштириш учун ғўзанинг ривожини тезлаштириш зарур.

Асосий майдонларда қатқалоқ йўқотилганлиги ва биринчи культивация тугалланганлигига қарамай, бу иш ҳамма ерда ҳам сифатли амалга оширилган, деб айтиб бўлмайди. Оқибатда ғўзанинг илдиз чириш касаллиги билан оғриганлиги ва кўчатларнинг нобуд бўлиш ҳоллари кузатилмоқда. Шу муносабат билан, бу йилги шароитни ҳисобга олиб, қайтадан сифатли культивация ўтказишга тезда киришиш, қатқалоқни йўқотиш билан бир йўла ерга органик-минерал ўғит солиб кетиш зарур. Қатор ораларига ишлов беришни сифатли ўтказиш — ғўзанинг илдиз чириш касаллигини олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради.

Юқорида айтилган вазифаларни амалга ошириш учун область пахтакорлар совети май ва июнь ойларида ғўза парваришини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун қуйидаги агротехника тадбирларини ҳозиржавоблик билан амалга оширишни тавсия этади.

Мавжуд барча культиваторларни уларни ишчи органлари билан тўла таъминланган ҳолда ишга туширш. РОР ва ККОлар билан жиҳозлаш лозим. Ғўзанинг илдизига шикаст етказмаслик учун культивация вақтида ҳимоя зонасини 7—8 сантиметр қолдириш керак. РОРларнинг ротацион ишчи органларини 3—4 сантиметр, ККО ишчи органларини 6—8 сантиметр чуқурликда мўлжаллаб ўрнатиш лозим. Культиваторнинг стрелкасимон панжалари қаторларнинг ўрталарига 16—18 сантиметр чуқурликда мўлжаллаб ўрнатилади. Ғўзаси сийрак бўлиб қолган ерлар, карта четлари ва ўқарик бўйларидаги ғўзаларни сифатли ишлашга, туксизлантирилган уруғлик чигит экиб кўчатларни бутлаб олишга алоҳида эътибор бериш лозим. Уруғликни нам ва юмшатилган тупроққа уллаб экиш ва устини яхшилаб бекитиб кетиш лозим.

Бригада бошлиқлари экишнинг сифати устидан алоҳида назорат ўрнатсинлар. Ола ерларга чигит экиш вақтида бегона ўтларни йўқотишга ҳам эътибор бериш лозим.

Қатор ораларининг сифатли культивация қилинишини таъмин этиш учун культиваторларни пухта кўздан кечириш, ишчи органларнинг тўғри ўрнатилишига алоҳида эътибор бериш керак. Бу ишга тажрибали колхозчилар, совхоз ишчилари ва район қишлоқ хўжалиги органлари мутахассисларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Кўп ишлатилганидан шарнир бирлашмалари ёйилиб кетган культиваторлардан фойдаланишга йўл қўймаслик лозим;

— шуни унутмаслик керакки, экиш билан бир йўла тупроққа солинган минерал ўғитларнинг бир қисми ёмғир натижасида ювилиб, тупроқнинг пастки қаватларига сизиб тушган ҳозирги пайтда ундан ғўзага фойда йўқ. Шунинг учун ҳамма ерда культивация билан бир йўла ҳар гектарига 40—50 килограммдан озиқ азот ҳисобидан ғўзани озиқлантириш талаб этилади. Тупроқни қиздириш, кўчатларни озуқа моддалари билан таъминлашни яхшилаш учун бутун вегетация давомида, бу йилги шароитда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шуни ҳисобга олиб, ҳар гектар ерга кам деганда 10 тоннадан чиритилган гўнг солиш лозим. Бунда барча механизмлардан ва мосламалардан кенг ва тўла фойдаланиш талаб этилади.

Ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишининг таъминлаш ва мўл ҳосил олишда яганалашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади.

Апрелда экилган ерларнинг ғўзасида иккитадан чинбарг чиққанида яганалашни бошлаш лозим. Чигит қайта экилган далаларда эса бу ишни ниҳоллар кўзга ташланиши биланоқ ўтказиш лозим.

Кўп йиллик кузатишларга ва илғор коллективларнинг тажрибасига қараганда область шароитида ғўза ниҳолларининг қуйидаги қалинликда бўлиши маъқул ҳисобланади:

— ер ости сувлари юза жойлашган, экин ғовлаб ўсадиган майдонларда 120—125 минг туп;

— ер ости сувлари чуқур жойлашган сариқ тупроқли ва шўрланган ерларда 130—140 минг туп;

— кам қувватли қумлоқ ерларда 140—150 минг туп;

— чигит қайта экилган майдонларда тупроқнинг фарқига қараб кўчат қалинлиги 100—120 минг туп бўлиши керак. Бу майдонларда чигитнинг тўла униб чиқишини кутиб турмай, қаторлар маълум бўлган пайтданоқ культивацияни бошлаш зарур. Район қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари қайта экилган ғўзаларнинг аҳволини синчиклаб текширишлари ва зарур бўлса, сийрал суғоришни тавсия этишлари керак.

Ғўза қаторларининг тўғри бўлиши ва уяларда асосан бир донадан кўчат бўлишига эришиш лозим. Бунинг учун яганада иштирок этаётган ҳамма кишиларни бир хил ўлчовдаги шаблон билан таъминлаш керак. Ана шунда гектарларда белгиланган миқдорда кўчат бўлади. Яганани ўтказишда бир хил катталикдаги сархил кўчатларни қолдириш муҳим аҳамиятга эга. Ягана тугатилиши билан шу картадаги кўчатларнинг қалинлигини дарҳол аниқлаш ва сифат комиссияси томонидан акт орқали қабул қилиниши, бригада бошлиқларни, механизаторлар ва сувчиларнинг жавобгарлигига ўтказилиши лозим;

— колхоз ва совхоз, қишлоқ хўжалик органлари мутахассисларининг диққат-эътиборлари тупроқда намнинг нормал ҳолда бўлишини таъминлашга қаратилиши зарур. Бу йил ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги учун ҳотиржамликка берилиш ярамайди. Тупроқ таркибида нам етарли бўлгани билан бироқ унинг таркибида шўр тузлар ва бошқа моддалар борлиги учун ўсимликнинг ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан тупроқнинг фарқини ҳисобга олган ҳолда суғоришни табақалаб, оз-оз нормада олиб бориш лозим;

— иккинчи ва навбатдаги ишлов бериш пайтида культиваторларга осиладиган ишчи органлари қуйидагича жойлаштирилиши лозим: қатор оралиғи 90 сантиметрли схемада — ён томонлардаги ишчи органларининг чуқурлиги 8—10 сантиметр, ўртадагилари эса 18 сантиметр, қатор оралиғи 60 сантиметрли схемада — ён томонлардаги ишчи органларининг чуқурлиги 8—10 сантиметр, ўртадагилари эса 16 сантиметр, ўсимликнинг ҳимоя зонаси 13—15 сантиметр;

— биринчи июнгача ғўзага икки марта тўла ишлов бериш, июнь ойи давомида эса 2—2,5 марта ишлов бериш зарур;

— 1 июнгача ҳар 5—6 кунда ғўзанинг шира ва трипс касалликларига учрамаслиги, ўргимчаккана ва кўсак қурти пайдо бўлмаслиги учун кузатиб бориш керак бўлади. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг самарадорлигини ва сифатини ошириш учун ҳар бир бригадада биттадан тажрибали кузатувчи ажратиш, уларнинг ҳар кунлик ишини якунлаб бориш, касаллик ва зараркунанда борлиги аниқланган ерларда қатъий чоралар кўриш лозим.

Агроном-энтомолог лар раҳбарлигида ғўзаларни группа усулида кузатиб бориш яхши натижалар беради. Шира, трипс касалликларига чалинган участкаларга ПГС ёки ОВХ-14 агрегатлари ёрдамида гектар ҳисобига 1—1,5 килограмм миқдорда БИ-58 ёки антио препаратлари билан ишлов берилади. Кўсак қурти пайдо бўлганлиги аниқланган майдонларга 400 литр сувга 1,8—2 килограмм хлорофос қўшилган раствор билан ишлов берилади. Шуни ҳисобга олиш керакки, кўсак қуртига қарши бу препаратни кечқурун ёки тунда сепиш самаралироқдир. Тут баргларининг зарарланиши олдини олиш мақсадида ишни тут дарахтлари йўқ карталардан бошлаш керак. Пахта майдонлари бўйлаб ва карта ичларида жойлашган қурт дарахтларини биринчи навбатда кесиб олиш лозим. Тут дарахтлари йўқ бўлган йўл ва карта четлари 6—8 процентли митрофан эмулсияси билан ишланади. Бу тадбирлар қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпайишини камайтиради ва далаларга ўтишининг олдини олади;

— пахтачиликда деҳқончилик маданиятини янада ошириш мақсадида ҳамма бригада, колхоз ва совхозларда далаларга «Сифат белгиси» олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш зарур. Бу мусобақани ҳосилни тўла йиғиштириб олиб, ерларни шудгорлаб бўлгунга қадар ўтказиш лозим;

— 15 майдан 20 майгача мусобақадош бригада ва хўжаликларда, 25 майдан 1 июнгача эса районлар ўртасида ўзаро текширув ўтказиб, ғўзанинг аҳволи, кўчатларнинг қалинлиги ва уларга қандай ишлов берилаётганлиги текширилади. Ўзаро текширув натижалари бригада коллективлари ўртасида, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг мажлислари ва район партия комитетларининг бюроларида кенг муҳокама қилинади. Социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлиги таъминланиши керак;

— колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, механизатор ва сувчиларнинг юқори унум билан ишлашларини таъминлаш мақсадида зарур маданий-маиший шароит яратиш, дала шийпонларида иссиқ овқатлар уюштириш лозим.







Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг Т. Тўхтаев бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари бу йил 30 гектар ерга уруғ қадашган. Улар ҳар гектар ердан камида 100 центнердан уруғлик дон олиш учун курашмоқдалар. Айни кунларда механизатор Нурсаид Мамбетов ниҳолларга иккинчи ишлов беришни қизғин давом эттирмоқда.

Х. Мирзакаримов фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

14 май куни Тошкентда республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Бу конференция СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллиқ планининг 50 йиллигига ва экономикани планли бошқаришни янада такомиллаштириш проблемаларига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлган беш йиллик планлар тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти академик О. С. Содиқовнинг беш йилликлар давомида Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг илмий асослари ҳақидаги, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудованинг беш йиллик планларни муваффақиятли бажариш, иқтисодий ва социал тараққиёт, совет кишиларини маънавий ва ахлоқий юксалтиришнинг қудратли воситаси — социалистик мусобақа тўғрисидаги докладлари ҳам тингланди.

Конференция қатнашчилари беш йилликлар давомида бутун мамлакат каби Ўзбекистон ҳам босиб ўтган йўл ҳақида, совет халқлари қардошларча дўстлигининг бунёдкорлик кучи тўғрисида гапирдилар. Бу дўстлик республика экономикаси ва маданиятини ғоят юксалтиришда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани қандай ишлаб чиқилганлиги ҳақида, Ўзбекистонда КПСС ленинча аграр сиёсатининг амалга оширилаётганлиги ҳақида, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришда, территориал — ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантиришда меҳнат коллективларининг роли тўғрисида, Ўзбекистон пойтахтидаги социал-иқтисодий планлаштириш тўғрисида ахборотлар ҳам тингланди.

Конференцияда олимлар ва планлаштирувчи ходимлар, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари билан бир қаторда меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари ҳам қатнашдилар. Улар ўз хотираларини ўртоқлашдилар, оммаининг ижодий ташаббуси билан бошланган илғор ишлар кенг ёйилганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ).

ОЛИЙ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СОВЕТ—АМЕРИКА УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА

Икки ўртадаги келишувга биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Ж. Картер билан учрашуви шу йил тахминан 15—18 июнь кунлари Вена шаҳрида (Австрия) бўлади.

Л. И. Брежнев билан Ж. Картер стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномани тасдиқлайдилар ва имзолайдилар, бу шартномани тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳозир ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, улар СССР билан АҚШни ўзаро қизиқтирувчи бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

КОММУНИЗМ УЧУН

КУРАШНИНГ МУҲИМ ФРОНТИ

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори — партия, унинг Марказий Комитети омманинг онгини ва унинг активлигини муттасил ошириш тўғрисида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш форма ва методларини чуқурлаштириш, такомиллаштириш ҳақида ленинча меҳрибонлик қилаётганлигининг янги ифодасидир.

КПСС Марказий Комитети қарорининг катта назарий, сиёсий ва амалий аҳамиятини эътиборга олиб, партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасида, пропаганданинг оммавий формаларида қуйидаги намуналарга мувофиқ қўшимча машғулот ўтказилади.

КПСС XXV съезди идеология иши вазифалари тўғрисида, совет кишиларида коммунистик онгни, коммунизм қуришга тайёрлик, ирода ва маҳоратни тарбиялаш ҳақида. Съезд қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг комплекс ёндашиш тўғрисидаги, меҳнаткашлар барча группаларини сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиялашни кучайтириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасида партия ташкилотларининг фаолияти.

Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг актуал масалалари», «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари — партиявий-сиёсий иш энциклопедияси, мукаммал назарий хазинаси, коммунизм учун курашдаги ғоявий қуролимиздир. Бу китоблар ленинча яшаш, ишлаш ва курашишга ўргатади.

Коммунистик қурилишнинг кўлами ва мураккаблиги жиҳатдан улуғвор вазифалари, жаҳон майдонидаги ғоявий-сиёсий курашнинг кескинлиги идеология ишини, сиёсий-тарбиявий ишни ривожланган социализм талабларига мос келувчи сифат жиҳатидан янада юксак даражага кўтаришни тақозо этади. Идеология ишининг сифатини, самарадорлигини янада ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш йўллари тўғрисида КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми.

Совет давлати омманинг онглилиги билан кучлидир. Кишиларнинг коммунистик онгини шакллантириш соҳасида партиянинг программавий мақсадлари. Халқ оммасининг онги ва активлигини муттасил ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — бутун партия ишининг базиси ва муҳим мазмунидир. Ташкилий, хўжалик ва идеология фаолиятининг бирлиги.

Пропаганда ва агитациянинг илмий жиҳатдан юксак савияда бўлиши таъминлансин. Коммунистик идеалларнинг улуғворлиги, КПССнинг Совет Ватани қудратини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қизғин-толмай бажараётган самарали ишлари, социализмнинг тарихий афзалликлари, унинг чинакам демократизми ва гуманизми, совет турмуш тарзининг моҳияти очиқ-равшан кўрсатиб берилсин.

Пропаганда ва агитациянинг ишчанлиги ва конкретлиги, унинг ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан боғланиши кучайтирилсин. КПССнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсати, 1979 йил планини, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, иш самарадорлигини ва сифатини оширишга актив кўмаклашиш — ҳар бир тингловчининг, ҳар бир совет кишисининг бурчидир.

Ижтимоий мустаҳкамлаш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш йўлида, тежаб-тергаб ва авайлаб-асраш учун, исрофгарчиликка, маҳкамачиликка ва маҳаллийчиликка қарши кураш — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. Хўжалик фаолиятининг тарбиявий оқибатлари учун раҳбар кадрларнинг масъулияти.

Пропаганда ва агитациянинг ҳужумкорлик характери, ривожлантирилсин. Ҳамма янги ва илғор ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин, олға томон қилаётган ҳаракатимизга халақит бераётган иллатларга қарши кескин кураш олиб борилсин, уларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини рағбатлантириш лозим. Ҳар бир коммунист — Ленин партияси ғояларининг ташвиқотчиси ва тарғиботчисидир.

Коллективларда ва истиқомат жойларида сиёсий иш сабот билан такомиллаштирилсин, турмушда вужудга келадиган проблемаларга оперативлик билан эътибор берилсин. Меҳнаткашларни қизиқтирувчи бирорта ҳам савол жавобсиз қолмаслиги керак. Атеистик тарбия кучайтирилсин, диний хурофотларга қарши курашда коммунистлар билан комсомолларнинг масъулияти оширилсин. Мавжуд моддий базадан — маданият саройлари, клублар, кутубхоналар, заллар, стадионлардан улар қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий ва спорт ишларини авж олдириш учун ниҳоятда самарали фойдаланилсин. Ёш авлодни тарбиялашда оила, мактаб, жамоатчиликнинг алоқаси бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

КПСС Марказий Комитетининг қарори — КПСС XXVI съездини кутиб олишга ҳозирлик кўраётган партия ташкилотлари фаолиятининг, идеологик, сиёсий-тарбиявий иш сифати ва самарадорлигини янада оширишнинг, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг жанговар программасидир.

Тошкент трактор заводининг коллективи дала меҳнаткашларига кўплаб сифатли машиналар етказиб бермоқда. Суратда: илғор созловчи слесарлар В. Вахрамов ва В. Рогаленков пахтачиликка мослашган тракторларни жўнатишга ҳозирлашяпти.

М. Нуриддинов фотоси.



МАШҒУЛОТ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Бундан беш йил муқаддам «Коммунизм тонги» газета редакцияси ҳузурида ташкил этилган ишчи-деҳқон мухбирлари университетини икки группа тингловчилар битириб чиқишди. Ҳозир эса учинчи группа тингловчилари илғор сирлари билан ошно бўлмоқдалар.

Яқинда навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. Унда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Каримов Улуғ Ватан уруши хотираларидан сўзлаб берди. «Гулхан» журнали ходими, шоир Темур Убайдулло поэзия, «Коммунизм тонги» газетасининг масъул секретари С. Мирзалиев газета жанри ҳақида қизиқарли лекциялар ўқидилар.

Л. МАҲМУДОВА,
Оржоникидзе райони.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ БОСҚИЧЛАРИ

ЯҚИНДА КПСС Марказий Комитетининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планининг 50 йиллиги тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Ана шу муҳим сиёсий ҳужжатда социалистик қурилиш тарихида биринчи ва ундан кейинги беш йилликларнинг роли ҳар тарафлама чуқур ифодаланган. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг план асосига қурилиши XX асрдаги энг муҳим сиёсий ва социал ютуқлардан бири бўлганлиги ишончли тарзда кўрсатиб берилган. Биринчи беш йилликнинг ярим асрлик сенасини нишонлар эканмиз, хўжаликни юритишнинг социализм туфайли амалга ошган планли системаси бебаҳо афзалликларга эга эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Социализм даврида планли хўжалик юритиш назарияси Совет ҳокимияти ташкил топган дастлабки даврдаёқ буюк Ленин томонидан ишлаб чиқилган эди. Ер, банклар, йирик саноат, транспортнинг национализация қилиниши халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилиш учун мустаҳкам негизни вужудга келтирди. В. И. Ленин пролетариат диктатураси ўрнатилгандан сўнг дарҳол ягона халқ хўжалик планини тузиш масаласини олга сурди. У ўзининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Илмий-техника ишлари плани қоғозламаси», «Ягона хўжалик плани тўғрисида», «Мусобақани кандай ташкил этиш керак», «Меҳнат интизоми тўғрисида», «Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат» ва бошқа асарларида планлаштиришнинг асосий методологик принципларини баён этиб берди.

Социалистик планлаштиришнинг улкан ташкилотчиларидан бири В. В. Куйбишев эканидек, Ленининг планлаштириш масалалари бўйича мақолалари, нутқлари ва хатлари бизнинг большевистик планга тафаккуримиз йўналишини белгиловчи энг буюк назарий хазинадир. Планлаштиришнинг кучи ўсиб-мустаҳкамланиб борган сари Ленининг планлаштириш бўйича ана шу меросининг улуғворлиги тобора ёркин кўзга ташланаверади.

1920 йил апрель ойининг бошида партия X съезди ягона халқ хўжалик плани тузиш тўғрисида В. И. Ленин тезисини бўйича махсус карор қабул қилади. Бу планда мамлакатни электрлаштиришга етакчи аҳамият берилган эди. В. И. Ленин ҳудди шу вақтда коммунизм — совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир, деб ёзган эди.

В. И. Ленин раҳбарлигида мамлакатни электрлаштиришнинг илмий асосда ишлаб чиқилган плани — ГОЭЛРО тузилди. Бу ишда 200 дан ортиқ йирик олим ва мутахассис фаол қатнашди. Мазкур планда халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан қайта куриш ва электрлаштириш негизида социализмга замин куриш вазифаси қўйилган эди. План асосида меҳаллий энергия ресурслари, айниқса ёқилғи ва дарёлар сувининг кувватидан фойдаланиб, кучли район электр станцияларини ишга тушириш кўзда тутилган эди. ГОЭЛРО планида мамлакат саноат ишлаб чиқаришни даражасини 1913 йилга нисбатан камида икки баробар оширишни мўлжалланди.

«Туркистон районини суғориш ва электрлаштириш программаси» ГОЭЛРО планининг таркибий қисми эди. Шунга кўра Чирчиқ, Бакобод, Дергом, Норин ва Хўжабакир сув электр станциялари қурилиши, Мирзачўл, Фарғона водийси, Самарқанд области, Еттисувда 1,5 миллион десятина ерни суғориш вазифаси қўйилди.

1921 йил 22 февралда В. И. Ленин Меҳнат ва мудофаа совети ҳузурида Давлат план комиссиясини тузиш тўғрисидаги декретга имзо чекди. Госпланга ҳар йили бутун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг контроль рақамларини ишлаб чиқиш топширилди.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш вазифалари амалга оширилгач, мамлакатимизда социализмнинг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб турарди. Коммунистик партия ғўё «бир мамлакатда социализм ғалаба қозониши мумкин эмас», деган троцкийчи ва ўнг оппозициячиларнинг ғайри-илмий назарияларига зарба берди ва СССРни аграр мамлакатдан илғор саноат мамлакатига айлантиришнинг бош йўлини белгилаб берди, социалистик экономиканинг фундаментини вужудга келтириш программасини ишлаб чиқди.

Социализм иқтисодий базасини яратиш вазифаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболдаги планини ишлаб чиқиш ва тузишни тақозо қилади. 1927 йил декабрь ойида бўлиб ўтган партия XV съездида халқ хўжалигининг биринчи беш йиллик планини тузиш бўйича директива берилди. Мазкур план 1929 йил апрелида ўтказилган XVI Бутуниттифоқ партия конференциясида ва шу йил май ойида чақирилган СССР Советларининг V съездида тасдиқланди.

Биринчи беш йиллик план ГОЭЛРО планининг, мантиқан давоми ва бойитилиши бўлди. Биринчи беш йилликда социалистик экономикага замин яратиш, шаҳар ва қишлоқдан капиталистик унсурларни сиқиб чиқаришни давом эттириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдан иборат асосий вазифа қўйилган эди. Шунингдек, СССРни ривожланган индустриал давлатга айлантириш ҳамда деҳқон хўжаликларининг кўпчилик қисмини коллективлаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланган эди. Беш йиллик учун ажратилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми бундан аввалги ўн бир йил (1918—1928 йиллар) давомидагига нисбатан икки баробардан кўпроқ қилиб белгиланди. Ана шу маблағларнинг тенг ярмини саноатни (уларнинг 75 процентидан кўпроғи оғир саноат соҳаларига) ва транспортни ривожлантиришга сарфлаш мўлжалланди. Капитал маблағларнинг асосий манбалари давлат ва кооператив корхоналаридан олинадиган фойда ва рента даромадлари эди. Шунингдек, давлат заёмлари облигацияларини чиқариш ва ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар ўртасида тарқатиш йўли билан давлат олдиғани маблағлар муҳим роль ўйнарди.

БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Бутун мамлакатда беш йиллик планни бажариш бўйича социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Совет халқи тинч қурилиш майдонида мислсиз меҳнат қаҳрамонликларини намойиш қилди. Натижада беш йиллик план тўрт йилу уч ойда бажарилди. Ана шу йиллар мобайнида саноатнинг автомобилсозлик, авиация, тракторсозлик, станкосозлик, асбобсозлик каби соҳалари вужудга келди. Жамъи 1500 та йирик саноат корхоналари қуриб битказилди. ДнепроГЭС, Москва ва Горький шаҳарларида автомобиль, Харьковда трактор заводлари, Туркистон—Сибирь темирйўли сингари ўша вақтнинг улкан иншоотлари юзага келди.

Биринчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши натижасида социалистик экономикага мустаҳкам замин яратилди, яъни қудратли оғир индустрия ва механизациялашган коллектив қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди. Бу эса ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчиликнинг, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топганлигидан дарак берарди. Худди шу давр ичида саводсизлик тугатилди ва 7 соатлик иш куни жорий этилди.

Ленинча миллий сиёсат туфайли республикамизда биринчи беш йиллик давомида халқ хўжалигини электрлаштириш, ёқилғи базасини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашни кенгайтириш, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қурилиш материалларини ва сунъий ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуриш соҳасидаги вазифалар муваффақиятли ҳал қилинди. Чирчиқ электрохимия комбинати, Олмалиқ кон бойитиш комбинати, Чирчиқ ГЭСи, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати сингарилар қурила бошланди. Айни вақтда республикада ишчилар синфи шакллана борди, беш йил мобайнида ишчилар сони уч баробардан кўпроқ ошди. Республикамизда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишлари асосан тугалланди. Бу эса пахтачиликни ривожлантириш ҳамда чет эллар пахтани харид қилишдан воз кечишда асосий роль ўйнади. 1932 йилда мамлакатда 1 миллион тоннадан ортиқ пахта етиштирилди.

Биринчи беш йиллик мамлакатимизни иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва социал тараққиётга чуққиларга олиб чиққан совет беш йилликларининг дебочаси бўлди.

Жумладан, республикамиз беш йилликлар ичида тарихда мисли кўрилмаган суръатлар билан ўсиб ривожланди. Совет Шарқининг гуллаб-яшнаган нурафшон ўлкасига айланди. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. 1913—1976 йиллар мобайнида республикамиз территориясида саноат маҳсулотининг ҳажми 64 баробар ўсди. Утган тўққиз беш йиллик давомида 1300 га яқин саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва бошқа хил соҳалар бўйича катта-кичик объектлар бунёд этилди. Ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида эса саноатда планга қўшимча равишда бир миллиард 130 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми эса шу уч йил ичида тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилидагига нисбатан 25 процентдан кўпроқ даражага эришди, 16 миллион 512 минг тонна «ок олтин» тайёрланди.

КПСС Марказий Комитетининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик плани 50 йиллиги тўғрисидаги қарорида айтилганидек, бизнинг планларимиз Коммунистик партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишда асосий восита бўлиб колди. Бу планлар социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини муттасил ошириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини мунтазам суръатда юксалтириш йўлида амалга оширмоқда.

Совет беш йиллик планлари социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадига — совет кишилари моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг кўп даражада қондиришга эришиш мақсади учун хизмат қилмоқда. Халқ фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи эса миллий даромаддир. 1978 йилда миллий даромад аҳоли жон бошига ҳисобланганда революциядан аввалги даврдагига нисбатан 43 баробар ортди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда айтганидек, 1974—1978 йилларда миллий даромаднинг таҳминан бешдан тўрт қисми халқ фаровонлигига йўналтирилди.

Аҳолининг реал даромадлари ҳам муттасил ўсиб бормоқда. 1978 йилда ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари 1940 йилга нисбатан 3,8 баробар, колхозчиларнинг реал даромади 6,5 баробар ўсди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудрати тезкор суръатлар билан ривожланаётган етук социалистик жамият шароитида Коммунистик партия халқ фаровонлигини янада ошириш йўлини кенг миқёсда изчил амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда тузилаётган ўн биринчи беш йиллик план лойиҳалари, 1990 йилгача мўлжаллаб тузилаётган истиқбол планлари ўтган ўн беш йилликдагига нисбатан кўп моддий ва маънавий ресурсларни яратиш йўлида катта қадамлар қўйишни кўзда тутмоқда. Шу тариқа партия Программасида, унинг кейинги съездларида олға сурилган асосий социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун янги имкониятлар туғилади.

Мамлакатимиз социалистик ва коммунистик қурилиш йилларида биринчи беш йилликдан ўнинчи беш йилликкача бўлган порлоқ йўлни босиб ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев қайд қилганидек, беш йилликларимизнинг ҳар бири Ватанимиз тарихида муҳим марралар.

Бешйилликлар социализм ва коммунизм йўлида халқимиз меҳнатмонона меҳнати тўғрисида ҳикоя қилувчи буюк бир китобнинг ажойиб бобларидир.

А. МАМЕДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ДОРИШУНОСЛИК ОДИМЛАРИ

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз совет кишиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

Мамлакатда халқимиз сиҳат-саломатлигини таъминлаш учун жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалиги муҳим соҳалари — экономика, фан ва маданиятнинг ривожланишига ва талабларига қараб аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишлари беқиёс ўса борди. Кўплаб деволаш муассасалари, касалхоналар, поликлиника ва амбулаториялар қурилди.

Кейинги йилларда аҳолига медицина ва дори-дармон хизмати кўрсатиш ишлари, айниқса, яхшиланди. Ҳозир дорихоналар сони 1390 тага етди. Биргина кейинги уч йил ичида республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида 160 га яқин дорихона очилди.

Қишлоқларда аҳолига дорихона хизматини яхшилаш ҳамда деволаш муассасаларининг тармоқларини кенгайтириш соҳасида ҳам жуда катта ишлар қилинди. Республикамизда 140 га яқин марказлаштирилган район дорихонаси бўлиб, уларга 933 қишлоқ дорихонаси бириктирилган. Дала меҳнаткашларига, узоқ отарлардаги чорвадорларга хизмат қилиш учун областлардаги дорихона бошқармалари ҳузурида саккондан зиёд махсус автодорихоналар ташкил этилган.

Сўнгги йилларда республикамизда аҳолига дори-дармонлар билан ёрдам кўрсатишнинг янги форма ва усуллари кенг қўлланила бошланди. Масалан, врачлардан беморлар учун телефон орқали дори тайёрлашга буюртма қабул қилаётган, кексалар, ёлғиз ва оғир беморларнинг дорисини уйига элтиб берётган, беморларга керак бўлган дори-дармон дорихонага келганлигини почта открыткаси орқали хабар қилаётган, савдо залида «Справка бюроси» ташкил қилган дорихоналар Ўзбекистонда оз эмас.

Республикамиздаги ишлаб чиқариш корхоналари каби дорихона муассасаларида ҳам коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун кураш қизғин тус олган. Ҳозир 110 дорихона коллективи ана шу кутлуг номга сазовор бўлди. 2660 дан ортиқ кишига коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилган. Ўзбекистонда 96 марказий дорихона ҳузурида «Илғор тажриба мактаби» ишлаб турибди. Бу борада Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон область дорихона бошқармалари намуна кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда республикамизда дорихоналар ишга юксак босқичларга кўтарилди. У аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш масалаларини муваффақиятли ҳал этаётган улкан ва мураккаб хўжаликка айланди.

Дорихоналарнинг моддий-техника базаси яхшиланди. Дорихона маҳсулотларининг сифатига алоҳида эътибор берилялти. Натижада республикамиз дорихоналарида тайёрланадиган дори-дармонларнинг сифати анча ошди.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда фармацевт кадрларнинг сони ҳам беқиёс ўсди. 1958 йилда Ўзбекистон дорихона муассасаларида 553 провизор ҳамда 937 ёрдамчи провизор ишлаган бўлса, 1978 йилда провизорлар сони 2993 га, уларнинг ёрдамчилари эса 2814 га етди.

Республикамиз дорихона муассасаларининг малакали фармацевт кадрлар билан таъминланишида Тошкент фармацевтика институти салмоқли ўрин тутади.

Тошкент фармацевтика институти 1937 йилда ташкил топган. Орадан қирқ икки йил ўтди. Шу муддат ичида институтда мутахассислар тайёрлаш ва педагогик ишларни уюштириш йўлида фахрланса арзийдиган ишлар қилинди. Энди илкида Тошкент фармацевтика институти фармацевтика фанининг Совет шарқидаги энг йирик ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича ягона марказига айланди. Ҳозирги пайтда бу илм даргоҳида 1700 дан ортиқ студент ўқимоқда. Бу ерда таҳсил кўраётган талабаларнинг аксарияти Ўзбекистон ва кардош Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларидан келган йигит ва қизлардир. Дастлабки ўқув йилида институтнинг биринчи курсига атиги 50 йигит-қиз қабул қилинган бўлса, эндиликда йилига 350—400 студент қабул қилинмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1977 йил 22 сентябрдаги аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган қарорига мувофиқ 1981-йилдан бошлаб институтнинг биринчи курсига йилига 750 ўқувчи қабул қилинади.

Ўтган давр ичида институт етти мингдан зиёд олий маълумотли фармацевт-провизорлар тайёрлаб чиқарди. Улар ҳозир она-Ватанимизнинг турли жойларида совет кишилари сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдек шарафли постда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Тошкент фармацевтика институтини муваффақиятли тугатган кадрларни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида, Тошкент Давлат медицина ва Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтларида, Олма-ота давлат медицина институтида, Пермь фармацевтика институтида ва бошқа илмий масканларда учратиш мумкин.

1950 йилдан институт қошида провизор кадрлар малакасини ошириш курси, 1969 йилдан бошлаб эса провизорлар малакасини ошириш факультети ишлаб турибди. Шу ўтган давр ичида институт ходимлари 1570 дан зиёд провизорларнинг малакасини оширишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Институт кафедра ва лабораторияларида 10 фан доктори, профессор, 28 доцент, 73 фан кандидати ишлайди. Қатор кафедраларимиз илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида бошқа кардош республикаларга ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ўқув жараёнини янада яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан анча ишлар қилинди. Кафедралар кўргазмали ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мосламалар билан жиҳозланган. Лекцияларда ўқув фильмлари, диафильмлар, диапозитивлардан кенг фойдаланилади. Барча кафедралар кинопроекторлар ва диопроекторлар билан таъминланган.

Институтда катта илмий текшириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу ишлар асосан, Ўзбекистон доривор ўсимликларини ўрганишга, янги препаратларни синтез қилиш, доривор моддаларни текширишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга, аҳолини дори-дармон билан таъминлашни яхшилашга қаратилган. Бу борада олимларимиз қатор ютуқларни қўлга киритдилар.

Дори-дармонларни синтез қилиш борасида юзлаб янги кимёвий бирикмалар ҳосил қилинди. Коамид, фаремид, «СО-30» каби препаратлар медицина амалиётига жорий этилди. Бу ҳил дорилар Тошкент химия-фармацевтика заводида кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Институт ходимларининг 2100 дан зиёд илмий ишлари босиб чиқарилди. Ун икки тўплам (умумий ҳажми 250 босма лист), 16 монография, 30 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари ва методик тавсияномалар чоп этилди, 42 та авторлик гувоҳномаси олинди.

Партия ва ҳукуматимиз республикамизда фармацевтика ишининг ривожланишига катта эътибор беради. Бунинг ёркин ифодасини бизнинг институт мисолида ҳам кўриш бўлади. Масалан, 1971 йили Тошкент фармацевтика институти янги ўқув корпусини қабул қилиб олди. Лаборатория ва кафедралар замонавий асбоблар ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган бўлиб, илмий-текшириш ишларини юқори савияда олиб бориш учун ҳамма шароитлар яратилган. Буларнинг ҳаммаси республикамиз фармацевтика ходимларининг Совет ҳокимияти йилларида катта ютуқларга эришганлигини кўрсатади. Бироқ, республикамиз аҳолисини дори-дармон билан таъминлаш ишида ҳали камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Ўзбекистон дорихона термоклари аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўсишидан орқада қолмоқда. Агар Эстония, Латвия, Грузия ва Украина республикаларида битта дорихонага етти мингдан тўққиз минггача аҳоли тўғри келса, Ўзбекистонда битта дорихонага 11 минг киши тўғри келади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йиллик плани мамлакатимиз олдига улкан вазифаларни қўйди. Бу беш йилликда Ўзбекистон фармацевтика ходимлари олдида дорихона тармоқларини янада кенгайтириш, аҳолига дори-дармон ёрдами кўрсатиш ишларини яхшилашдек масъулиятли вазифалар турибди. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда 267 та дорихона очиш мўлжалланади. Шундай қилиб, 1980 йилга келиб, республикамиз аҳолисига 1500 дорихона хизмат кўрсатади. Ёки бошқача қилиб айтганда, 10,8 минг кишига бир дорихона тўғри келади.

КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган республикамизнинг фармацевтика муассасалари ходимлари ўзларининг бутун куч ва билимларини шу кунларда асосий вазифа ҳисобланган совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга қаратмоқдалар.

Исмат АСАТОВ,
Тошкент фармацевтика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, доцент.

Эркин ТОШМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон фармацевтлар илмий жамияти правлениесининг раиси, Тошкент фармацевтика институтининг доценти.

МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ

Бу йилги юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун биз далаларнинг ҳосилдорлигини кескин оширишимиз, биринчи галда ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, ердан, техника воситаларидан, ўғитдан, барча моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга эришишимиз керак.

Бунинг учун зарур тадбирлар белгиланмоқда. Эришган ютуқларимизни ҳамда йўл қўйган камчиликларимизни пухта таҳлил қилиб чиқдик ва хўжалигимиз кўп тармоқли бўлгани билан асосий соҳа, айниқса, пахтачилик соҳасида қилаётган ишларимиз талаб даражасида эмас, деган хулосага келдик.

Масалан, 1976 йилда колхозимиз тарихда биринчи марта ҳар гектар ердан пландаги 28,7 ўрнига 39,6 центнердан ҳосил олинган эди. Лекин, кейинги йилларда ҳосилдорлик пасайиб кетди. 1977 йилда гектаридан 36 центнердан, 1978 йилда эса 35,3 центнердан ҳосил олинди. Нега шундай аҳвол юз берди?

Об-ҳаво ноқулай келганлиги учунми? Йўқ, албатта. Ерларнинг мелиоратив аҳволи ёмонлашиб қолган эди. Шунинг учун мутахассислар, тажрибакор деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, айрим бригадалар экин майдонларини капитал текислаш, ирригация тармоқларини тартибга солиш, карталарни йириклаштириш, зарур жойларга алмашлаб маҳаллий ўғит солиш, зовур четларида уюлиб ётган тупроқларни карталарга ёйиб юборib, тўла гектарлар ҳосил қилиш каби қатор тадбирларни амалга оширишга киришдик.

Ҳозиргача бу соҳада сезиларли ишлар қилинди. Хўжалик бўйича 9 минг кубометрдан кўпроқ ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Бир қатор бригадаларнинг карталари ўртасидаги кераксиз дарахтлар олиб ташланди.

Бу йил биринчи марта алмашлаб маҳаллий ўғит солиш жорий қилина бошланди. Масалан, 8-бригаданинг асосий ерлари тошлоқ ва қумлоқдан иборат эди. Ана шу ерларнинг ҳар гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. 5-бригадада 50 гектар ер капитал текисланди.

Бундай ишлар колхознинг 4- ва 7-бригадалари экин майдонларида ҳам амалга оширилади. Қийғир-қийшиқ эски ариқлар текисланиб, янгидан тўғри ариқлар олинди.

Биз ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олиш, яъни 3250 тонналик «оқ олтин» хирмонни кўтаришга аҳд қилдик. Колхозимизда элликцентнерчи, олтмишцентнерчи ташаббускорлар бор. Ана шулардан бири Суннат Тошхўжаев. У бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» топширишга сўз бердилар. Ҳурматилла Суннатов, Муяссар Абдуллаева, Турсун Бобоёров сингари деҳқонлар бошлиқ коллективлар ҳам унинг изидан бориб, мўл ҳосилга замин яратмоқдалар.

Хўжалигимизда бошқа тармоқлар ҳам ривожланади. Ўтган йили давлатга гўшт, сут, пилла, тухум сотиш планлари тўла ва ошириб адо этилди. Чорва маҳсулдорлиги анча ошди. Ҳар бош соғин сигирдан пландаги 2800 ўрнига 3159 литрдан сут соғиб олинди. Бир қути пилла уруғидан 58,8 ўрнига 66,1 килограммдан пилла етиштирилди. Партия ва ҳукуматимиз чорвадорлар, пиллакорлар меҳнатини қадрлаб маҳсулотларнинг харид нархини оширди. Масалан, илгари бир килограмм аъло нав пилланинг нархи 7 сўм 10 тийин эди, ҳозир унга 12 сўм 80 тийин тўланади. Биринчи, иккинчи ва учинчи сорт пилланинг харид нархи ҳам шу хилда оширилди.

Сутнинг харид нархи анча кўпайтирилди. Бу ҳамхўрликлардан руҳланган чорвадорларимиз мавжуд 451 бош қорамолни 520 бошга, шу жумладан 171 бош сигирни 210 бошга етказиш, давлатга 70 тонна гўшт, 650 тонна сут, 190 минг дона тухум сотиш, 14,5 тонна пилла етиштириш мажбуриятини олиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Деҳқонининг орзиқиб кутган кунлари келди. Пахтакорларимиз ерга барака уруғини қадаб бўлдилар. Олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун дастлабки замин яратилди.

Энди асосий вазифа гўза парваришини кучайтиришдан иборат.

Ҳосил ердан, кўчатдан олинади. Буни биз деҳқонлар яхши биламиз. Сўз бердикми, албатта, унинг удасидан чиқишимиз керак. Лекин, ўзимизга боғлиқ бўлмаган айрим муаммолар борки, бу ҳол оз бўлса-да, бизга берилган план-топшириқларнинг тўла-тўкис бажарилишига ҳалақит бермоқда. Гап шундаки, колхозимиз Чиноз посёлкасининг атрофига жойлашган. Посёлка йил сайин кенгайиб, тобора обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, ҳаммамизни қувонтиради. Турли ташкилотларга, мактаб, боғча, турар-жойлар учун колхозимиздан ер ажратиб олиняпти. Бунга асло қаршилигимиз йўқ. Аммо, бошқа ташкилотларга ўтиб кетган 20 гектарга яқин ер негадир ҳамон бизнинг ҳисобимизда турибди. Экин планида эса бу ерлар ҳам бор. Алоқадор ташкилотлар бу муаммони ҳал қилиб берадилар, деган умиддамиз.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.





ҒАЛАБА районидаги «Балиқчи» балиқ ишлаб чиқариш комбинати коллективи зиммадаги ойлик ва квартал топшириқларини муддатидан илгари бажариб, аҳолига мўл ва сифатли маҳсулот етказиб беряпти. Суратларда: комбинатнинг илғор шофёри Иса Хабибов янги тутилган балиқларни машинага ортмоқда. Корхона ишчилари: С. Бузрукова, Н. Сиворцева ва инкубация цехининг бошлиғи Л. Зуморина иш устида.

Х. Мирзакаримов фотолари.

ФОЙДАЛИ ҲАШАРОТ «ФАБРИКАСИ»

Янги катта боғдорчилик ва узумчилик зонаси барпо этилаётган Янгиқўрғон районида ихтисослаштирилган биолаборатория ишга туширилди. У Ўзбекистонда энг катта Наманган ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасига қарашли ўндан ошиқ совхозга хизмат қилади. Лаборатория зараркунандалар ва бегона ўтларни қирадиган митти трихограмма ҳашаротларини, бошқа хил фойдали ҳашаротларни ўрчитиб чиқаради. Лаборатория энг янги усуллар билан жиҳозланган.

Бу лаборатория «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг ихтисослашган иккинчи лабораториясидир. Биринчиси Қибрай посёлкасида қурилган бўлиб, Тошкент областидаги хўжаликларга хизмат қилмоқда. Беш йиллик охирига бориб, республиканинг бошқа боғ ва токчилик зоналарида ҳам фойдали ҳашарот «фабрикаларини» барпо этиш мўлжалланади.

(ЎзТАГ).

ДУРКУН НИҲОЛЛАР

ЧИНОЗ районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзолари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Улар гектаридан пландаги 38 ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилишган.

Қийғос ундириб олинган майдонларда гўза парвариши сифатли ўтказилмоқда. Аликул Нишонбеков, Султон Оқбоев ўртоқлар бошқараётган бригадаларнинг далаларидаги гўзалар баравж. Миришкор деҳқонлар табиат қийинчиликларини мардона енгишмоқда. Қатқалоқ ҳосил бўлган майдонларда кетмон чопиғи ўтказилди.

А. РАХИМОВ.

ЁНҒИНДАН САҚЛАНАЙЛИК

Мамлакатимизда меҳнат кишиси учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Жумладан пойтахтимизда йил сайин кўплаб корхона, муассаса ва ташкилотлар янги шинам ва кўркам биноларга кўчиб ўтмоқдалар. Уларда самарали меҳнат қилиш ва ҳордиқ чиқариш учун бутун шарт-шароитлар мавжуд. Театр ва маданият саройлари, клуб ва кинотеатрлар бўш вақтларини намунали ўтказишлари учун меҳнаткашлар ихтиёрига топшириб қўйилган. Бир қатор завод ва фабрикалар қайтадан реконструкция қилиниб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Шаҳримиз кўрки бўлган ана шу жамоат бинолари умумхалқ мулки саналади. Бинобарин уларни кўз қорачиғидай асраш, авайлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ёнғиннинг олдини олиш учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш ҳам бу соҳадаги курашнинг муҳим қисмидир. Тўғри, бу борада ибратли ишлар қилаётган корхона ва ташкилотларни кўплаб кўрсатиш мумкин. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1-пойафзал фабрикаси, Тошкент заргарлик заводи ана шулар жумласидандир.

Бу коллективларда ўт чиқишининг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган. Махсус постлар, ёнғинга қарши курашувчи командалар ташкил этилган. Уларнинг раҳбарлари ва аъзолари махсус курсларда ўқиб чиққан тажрибали кадрлардан танланган. Уларнинг йиғилишларида муҳим масалалар тез-тез кўриб чиқилмоқда. Марказлаштирилган автоматик сигнализация ва ўт ўчириш системалари тарқиб топган.

Бироқ шу билан бирга баъзи корхона, муассаса ва ташкилотларда бу муҳим ишга бефарқ қаралмоқдаки, айрим ҳолларда кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Олов билан ишлашда эҳтиётсизлик, тақиқланган жойларда чекиш, ишлаб чиқариш қурилмаларининг нотўғри ўрнатилганлиги ва технологик процессларга амал қилмаслик туфайли давлатга моддий зарар етказилляпти.

Масалан, ўтган йили А. Икромов районидаги «Ташгорэлектроаппаратремонт»та қарашли хўжалик ҳисобидаги участкада ёнғин чиқди. Зарур чоралар кўрилмаганлиги, ўт ўчириш идораларига ўз вақтида хабар қилиш имконияти йўқлиги туфайли анчагина қурилиш материаллари куйиб кетди. Аниқланишича таклиф қилинган тадбирларнинг катта қисми амалга оширилмаган. Шу билан бирга ёнғинга қарши кураш режими қўпол равишда бузилган. «Средазкабель» бирлашмасида ҳам ёнғин чиқишининг олдини олиш тадбирлари жорий қилинмаган. Ишлаб чиқариш ва омбор биноларида ўт ўчириш ва хабар қилиш автоматик системаси билан таъминланмаганлиги, маъмуриятнинг цехларда зарур тушунтириш ва амалий ишларни олиб бормаганлиги аниқланди. Жумладан Тошкент тўқимачилик комбинатида ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида жиддий камчиликлар мавжуд экан.

Аниқланган кўпгина камчиликлар қисқа вақт мобайнида бартараф этилди, албатта. Бироқ коллективларда ёнғиннинг олдини олиш кун тартибидаги асосий масалалардан бири қилиб қўйилиши лозим. Собир Раҳимов район партия комитетининг ёнғин чиқишининг олдини олишга принципиал муносабатда бўлишга, тегишли ташкилотлар кўрсатмаларини бекамикўст бажаришга бағишланган махсус кенгаши шу ўринда эътиборга лойиқдир.

Халқ хўжалик объектларида ёнғинларнинг олдини олиш учун ҳали қатор базисфаларни амалга оширишимиз зарур. Жумладан, ҳар бир завод-фабрика ва ташкилот тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши, уни кенг жорий этиши лозим. Ҳамма ишлаб чиқариш ва омбор биноларида автоматик ўт ўчириш системаси ўрнатиш, техник хизмат кўрсатишни такомиллаштириш зарур. Иш ўрнини тоза-озода тутиш санитария-гигиена қоидаларига мувофиқ келиши билан бирга ёнғинга қарши курашнинг ҳам муҳим шартларидан саналади. Шу сабабли ҳар хил қоришмалар ва суюқликларнинг хавфсиз жойларда сақланишига эътибор бериш керак. Ўт ўчириш комиссиялари ва кўнгилли дружиналар аъзолари ўртасида инструктажлар ўтказиш, профилактика ишини кенг йўлга қўйиш ҳам айни муддаодир. Чунки ҳамма жойдаги сингари ўт ўчириш системасида ҳам муваффақиятларга эришишни асосан кадрлар таъмин этади. Ёнғинга қарши энг яхши тайёргарлик кўрган коллективлар, кўнгилли ўт ўчирувчи дружиначилар ўртасидаги мусобақалар ўз вақтида якунланиб, фаол иштирок этганлар рағбатлантириб борилса, уюшқоқлилик ва интизомлилик янада кучаяди.

Жамиятимизда социалистик мулк халқникидир. Яратилаётган ҳамма имкониятлар, кўркам ва муҳташам бинолар ишлаб чиқариш унумдорлиги ва маҳсулот сифатини кескин ўстиришга унумли таъсир қилаяпти. Келинглар, халқ куч-ғайрати билан вужудга келтирилган беқиёс бойлигимизни ёнғиндан сақлашда ҳам аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқарайлик. Ҳар бир киши халқ хўжалик объектларида, жамоат биноларида ёнғиннинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшсин.

Б. ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнғиндан муҳофаза этиш бошқармасининг бошлиғи.

АКАДЕМИК ГРУППА

ИСТЕЪДОДЛИ меъморларни тайёрлаб чиқаришда Тошкент политехника институти архитектура факультетининг ҳиссаси каттадир. Бу ерда қишлоқ қурилиши ихтисослиги бўйича ижодкорлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Мана ўн йилдирки, факультет ҳузурида академик группа ишлаб келяпти. Шу вақт ичида республикамизнинг турли қишлоқ районларига 150 дан ортиқ ёш архитектор-инженер йўлланма олди.

Уларнинг диплом-лойиҳа ишлари ҳатто иттифоқ миқёсидаги ижодий кўрикларга тақдим этилди ва муносиб тақдирланди. Дипломант К. Мирзаахмедованинг Мирзачўлда қад кўтаражак посёлка учун тайёрлаган лойиҳаси Гаванада ўтказилган ёш архитекторларнинг Халқаро конкурсида юқори баҳоланди. Р. Эгамбердиевнинг диплом иши эса Аргентинада бўлган архитекторларнинг халқаро конгрессида қизғин маъқулланди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда кўп йиллардан буён пилла етиштириб, ўз касбини шарафлаб келаётган моҳир пиллакорлар анчагина. Анор Сулаймонова, Бибигул Алманбетовалар ипак қурти боқишга бу йил ҳар қачонгидан эрта тайёргарлик кўришди. Қуртхоналар оқланиб, сўкчаклар қуриб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам қуртлар сифатли боқилмоқда.

Анорхон она бултур бир қути қурт уруғидан 120 килограмм пилла олган эди. Унинг бу йилги аҳди —150 килограмм.

«КУМУШ ТОЛА» СОҲИБАЛАРИ

— Мен кўп йиллик тажрибамдан шуни биламанки, — деб ҳикоя қилади кекса пиллачи,— хона тез-тез шамоллатиб турилса, бир кунда камида 8—10 марта барг берилса, хонада иссиқлик нормал бўлсагина кўнгилдаги пилланн олиш мумкин. Мен қуртларга кундузи 8 марта, кечаси 2 марта барг соламан. Анорхон опанинг мусобақадоши Бибигул опа ҳам ўтган йили бир қути қурт уруғидан 147 килограмм пилла олди. Колхоз правленеси томонидан гилам билан мукофотланди. Бу йил у бир ярим қутидан 160 килограмм пилла олмоқчи. Ана шундай қўли гул чеварлар хизмат қилаётган колхоз пиллакорлари бу йил Ватанга ҳар қутидан 80 килограммдан, жами 11 тонна «кумуш тола» етказиб бериш учун курашмоқдалар.

С. МУСАЕВ.

СЕРФАЙЗ ДАЛАЛАР, БАРАВЖ ҒЎЗАЛАР

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Шу кунларда бепоён далаларимиз ниҳоятда серфайз бўлган. Атроф ям-яшил. Барака уруғи ташланган кенг пахта майдонларида қийғос униб чиққан ниҳоллар кўзни қувонтиради. Улкан хирмон кўтаришга руҳланган деҳқонлар далаларни яшнатмоқдалар.

Областимиз хўжаликларида меҳнат кўтаринкилиги авж олиб кетди. Илғор хўжаликлар юқори ҳосилни кўзлаган ҳолда биринчи парваришга пухта тайёрлик билан киришдилар. Редакциямизга келаётган кўплаб хатхабарларда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг Х. Хўжамқулов бошлиқ 4-бригадаси механизаторлари райондаги биринчилар қатори гўза парваришига киришдилар, — деб ёзади штатсиз мухбиримиз Т. Зокиров, — бригаданинг Ў. Шеров, Х. Холбоев сингари тажрибали механизаторлари гўзага сифатли ишлов бериш билан бирга гектарларда кўчатнинг тўлиқ бўлиши учун курашмоқдалар. Уларнинг мақсади гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш.

Ҳўжди шу мазмундаги мактубни Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозидан йўллаган жамоатчи мухбиримиз **Х. Мирсолиева** ҳам хўжаликда дала ишлари қизитиб юборилганлиги, айниқса, комсомол-ёшлар юксак ватанпарварлик намуналарини кўсатаётганликлари ҳақида хабар қилади.

Совхознинг комсомол-ёшлар меҳнат қилаётган 1-бўлимида иш, айниқса, авжида, — деб ёзади автор,— Бўлим комсомол ташкилотининг секретари Э. Қўрғонов сафдошлари А. Назарқулов, М. Боймуродов, А. Тўлаганов, А. Тошевлар билан бирга гўзага ишлов беришда илғорликни қўлдан бермаётирлар.

Шунингдек, С. Шукурова, Т. Файзиева, Х. Умарова, Т. Собитова сингари комсомол қизлар ҳам бўлим ишчиларига ўрнак кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар. Гектарларда тупларнинг бут бўлиши шу кунларда бажарилаётган дала ишларининг сифатига боғлиқ. Мўл ҳосил миришкорлари отни барвақт қамчилаб, биринчи парваришни тугаллаш арафасида турибдилар. Редакцияга хушхабарлар йўллаган ҳаваскор мухбирлар **О. Иззатуллаев** Пискент районидаги «Гулистон», **Т. Исҳоқов** ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли, **А. Акбаров** Янгийўл районидаги Ленин номли колхозларда олиб борилаётган қизғин ишлар ҳақида ёзишган.

Ҳар бир хўжалик ва ҳар бир бригаданинг ўз машъал кишилари бор. Қишлоқ мухбирларидан **С. Аҳмедов** ва **И. Соиповлар** 1-«Пискент» совхозининг ишчиси, Оқтепа қишлоқ советининг депутати Шаҳринисо Худойназарова, шу райондаги 2-«Пискент» совхози миришкорлари — бўлим бошлиғи Б. Дўстбеков, бригада бошлиғи О. Абдуллаевларнинг жонкуярликларини мадҳ этадилар.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

СҚЧ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ҲАҚИДА АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 14 май. (ТАСС). Президент Ж. Картер Америка маҳаллий газеталари ва радио станцияларининг раҳбарлари билан суҳбатда стратегик қуроллари чеклаш (СҚЧ) тўғрисидаги Совет-Америка шартномасига асосий эътиборни қаратди.

Ҳозир мамлакатимиз олдида, деди у, бир қанча муҳим халқаро, шунингдек ички проблемалар турибди. СҚЧ тўғрисидаги шартномани ниҳоясига етказиш, имзолаш ва ратификация қилиш шу проблемаларнинг энг муҳими, дея оламан. Эҳтимолки, бу — мен президент бўлиб турар экаман, шуғулланишим лозим бўлган ҳамма ишларнинг энг муҳимидир; эҳтимолки, бу — ҳозир сенатда мажлис қилиб ўтираётган кишилар шу ламгача қатнашиб келган овоз беришлар орасида энг муҳими бўлади.

Бу — одилона ва тежамкорона бўладиган шартномадир, биновбарин унинг рад этилиши бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимизга, иттифоқчиларимиз билан муносабатларимизни самарали тартибга солиш ҳамда дунёнинг ҳамма жойида ядро қуроли ва ядровий портлаш воситалари устидан контроллик ўрнатиш чораларини кўра олиш қобилиятимизга жуда нозуш ва ўтакетган ҳалокатли таъсир қилган бўлур эди.

Шартнома тузиш хусусидаги музокаралар, деди сўзини давом эттириб Ж. Картер, уч президент даврида олиб борилди; биз ҳамма икир-чикир тафсилотларгача гаплашиб олдик; бу — шу соҳада шу дамгача тузилган ҳамма шартномалар орасида, жумладан, ядро синовларини чеклаш тўғрисидаги шартнома, стратегик қуролларни чеклашнинг биринчи босқичи тўғрисидаги шартнома ва ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартномалар орасида энг конкрет, энг батафсил шартномадир.

Музокаралар осон бўлмади. Иккала томон ўз позицияларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, аммо Совет томони ҳам, Америка томони ҳам ўз фикрларида қатиқ туришгасина эмас, шу билан бирга одилликка ҳам интилдилар.

Менинг фикримча, бу шартнома бизга, шунингдек, Совет Иттифоқига ҳам жуда катта фойда келтиради. СҚЧ-2 тўғрисидаги шартнома тафсилотларини айтиб ўтирмай, менимча, уни, кам деганда, тежашга бўладиган, мутлақо одилона, мақбул, яхши балансланган, барқарор шартнома дейиш мумкин. Бу — тўғри йўлда қўйилган қадамдир. Бундан ҳам яхшиси шуки — у стратегик қуролларни чеклашнинг учинчи босқичи тўғрисида музокара бошлаш имконини беради.

Башарти биз бу шартномани рад қилсак, деб таъкидлади президент, бу, назарса бизнинг мамлакатимиз учун, ўйлайманки, ялпи тинчлик учун ҳам жуда халокатли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Бу — биз билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳозир йўлга қўйилган амалий муносабатларни ҳам кўп жиҳатдан бузган бўлур эди. Бу нарса Совет Иттифоқи билан умумий тил топиш қобилиятимизга нисбатан НАТОдаги ўз иттифоқчиларимизнинг муносабатига путур етказган бўлур эди. Бу нарса техникавий жиҳатдан ядро қуроли ишлаб чиқаришга қодир бўлган, аммо бу соҳадаги ялпи вазминликни кўриб, бундай қилишдан воз кечиб турган мамлакатларда ядро қуролини ишлаб чиқариш устидан контроллик ўрнатишга муваффақиятли эришиш имкониятини деярли бутунлай йўққа чиқарган бўлур эди.

Башарти, Совет Иттифоқи СҚЧ-2 тўғрисидаги шартномани имзолаб, ратификация қилсаю — мен албатта шундай бўлади, деб ҳисоблайман, — биз шу шартномани имзоласак-да, сўнгра ратификация қилишдан бош тортсак, деб ўқтирди Ж. Картер, биз инсоният ҳалқ ҳеч қачон кўрмаган энг кўп вайронгарчилик келтирувчи қуролнинг тарқалишини чеклаш йўлида биргаликда қилинадиган ҳаракатда қатнашишдан бош тортган уруш оловини ёқувчи ролига тушиб қолган бўлур эдик. Мен АҚШ президенти сифатида шундай нотиқлик дучор бўлишни истамайман.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕЛГРАД. Приштина шаҳрида ёшларнинг анъанавий меҳнат байрами бўлди. Бу байрам Югославия коммунистлар союзи, коммунистик ёшлар союзи ва революцион касаба союзлари тузилган кунининг 60 йиллиги белгиси остида ўтди. Мамлакатнинг ҳамма қисмидаги ихтисослаштирилган мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларидан келган бир мингдан зиёд ўқувчи уч кун мобайнида 40 касб бўйича энг яхши ўқувчи деган номни олиш учун мусобақалашди.

ВАШИНГТОН. Бу ерда АҚШ президенти Ж. Картер Панама президенти А. Ройо билан музокаралар олиб борди.

Бу музокаралар ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда кескинлик кучайган бир вазиятда ўтди. АҚШ конгрессидаги ўта ўнг кучлар Панама канали тўғрисида 1977 йилда имзоланган шартномани қайтадан кўриб чиқишга уринаётганлиги ана шу муносабатларнинг гоят кескинлашганлигига сабаб бўлди. Америкадаги реакцион доиралар икки океанни — Атлантика океани билан Тинч океанни бир-бири билан боғлаган ана шу муҳим сув йўлидан Қўшма Штатларнинг бемалол фойдаланишини таъминлаш ниятидадир.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин эълон қилинган қўшма баёнотда Картер ва Ройо шартномани қайтадан кўриб чиқишга уринаётганларни ғайри-ғижловчилик ишлари»га зарба беради ва ишларни ташловчиларни ишдан бўшатади. Стачкаларнинг ташаббускорлари қамоққа олиниб, турмага ташланиши мумкин.

(ТАСС).



НИКАРАГУАНИНГ Эстели шаҳри қонли репрессиялар майдонига айланди. Сомоса миллий гвардиясининг каллакесарлари шаҳарга бостириб кириб, оммавий қамоққа олиш, ҳар қандай «шубҳали» кишиларни ўч олишга бошлаб юбордилар.

Сиз суратда кўриб турган испан журналисти Альфонсо Рохо (у Мадридда чиқадиган «Диарио» журналининг мухбири) қамоққа олиниб, мамлакатдан чиқариб юборилди. Managуадан чиқиб кетиш олдидан у ўз ҳамкасбларига айтдики, Сомоса каллакесарлари Эстелида ҳеч кимни аямадилар. Айниқса, партизанларнинг асосий ёрдамчилари, деб ёлғон ёш ингит-қизларни аёвсиз ўч олдилар.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИ БЎЙЛАБ

ТОШКЕНТНИНГ бугунги жамолига боқиб ўймайсан, киши. Кенг кўчалар бўйлаб тизилиб турган турна қатор бинолар, ям-яшил боғроғлар, тарихий обидалар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Янги нашр қилинган «Тошкент» туристик схемасида аввалгисидан фарқли ўлароқ, пойтахтимизда рўй берган ўзгаришларнинг ҳаммаси тўла акс этган. Схемада Акмал Икромов райони ташкил этилиши муносабати билан шаҳарнинг маъмурий бўлинишига киритилган ўзгаришлар ҳам тўла ҳисобга олинган. Схема билан шаҳар кўчаларида адашмай сайр қилиш, маданият ўчоқлари, тарихий обидалар билан танишиш мумкин. Янги нашр қилинган қўлланма, айниқса, шаҳримизга меҳмон бўлиб келаётган туристларга катта ёрдам беради.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЎРТА ЧИРЧИҚ районида кичкинтойлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда.

Ҳозир районда юз ўринли болалар шифохонаси қурилиши тугалланмоқда. У барча қулайликларга эга бўлади.

Хўжаликларда ҳам болалар шифохоналари кенгаймоқда. Ҳозир колхоз ва совхозларда беморларга юксак савияда медицина хизмати кўрсатадиган 200 га яқин касалхона ишлаб турибди. Педиатр врачлар эса 25 нафарга кўпайди. Улар болалар саломатлигини сақлаш, ҳар қандай касалликларнинг олдини олиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Шифокорлар учун махсус машина ажратилган. Улар бевосита жойларда бўлишиб, кичкинтойларга медицина хизмати кўрсатишяпти.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

ЯҚИНДА Тошкентдаги «Ҳимчистка» фабрикасида болалар юмшоқ ўйинчоқларини тозалаб берадиган янги участка қурилиши бошлаб юборилди.

Фабрика коллективи меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун курашмоқда. Яқинда фармолит буюмларини тозалайдиган участка ҳам ишга туширилди. Бу бўлим шаҳардаги Энгельс ва Малясова кўчаси муюлишида жойлашган. Янги устахананинг қулайлиги шундаки, буюртмачилар истак билдиришса, тозалаш жараёнида бевосита иштирок этишлари мумкин.

Фабриканинг қабул пунктлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Фақатгина шу йилнинг биринчи кварталида Қўйлиқ, 3-турар-жой, Юнусобод массиви, асбобсозлик заводи ётоқхонаси ҳузурида, Качюбек кўчасида ва бошқа жойларда фабриканинг янги пунктлари очилди. Ҳозир пойтахтимизда «Ҳимчистка»нинг 65 та қабул пункти ишлаб турибди.

М. ЗАРИПОВ.

«ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ» ТАРИХИ

Ўша куни Умар ака эрталабдан яхшилаб кийинди. Тошойна олдида туриб, ўзига бирров разм солди-да, чап чўнтаги устидаги орден ва медаллар тизмасини тўғрилаб қўйди. Остона олдида кутиб турган Қумрихон ая эрининг бошидаги дўпписини янгисига алмаштирди-да, «Ҳаялламай тез боринг! Болалар кутиб қолишмасин» дея кузатиб қолди.

Мана Умар ака ўқувчилар ҳузурида. Гоҳ мактабларда, гоҳ пионер саройларида ўтказиладиган бундай байрамолди учрашувлари Умар ака Музаффаров учун янгилик бўлмасада, лекин, ҳар сафар у ҳаяжонланади.

Болалар қизиқувчан бўлади. Улар биринчи навбатда мукофотларни нима учун олганини сўрашлари аниқ. Бу сафар у «Қизил Юлдуз» тарихини гапириб беради.

...1943 йили шонли қўшинларимиз мардонавор жанглар олиб бориб, душманни она-Ватан тупроғидан суриб чиқараётган пайтлар эди. Ҳамманинг нигоҳи ғарбга қаратилган.

Шундай кунларнинг бирида Ў. Музаффаровни подполковник Садовой ўз ҳузурига чорлади-да, дарҳол бironта машинани топиб, йўлга соланини буюрди. Вазифа аниқ. Қисмларимиз олдинга силжиган сари орқадан етиб келаётган қўшинларга, техникага муносиб жой ҳозирлаб туриш лозим эди.

Кун пешиндан оғган пайтда улар йўлга тушишди. Ерлар ўйдим-чуқур. Ҳар жой ҳар жойларда ёнаётган, тўнтарилган машиналар, танклар, снарядлар парчаси. Уларни четлаб ўтишнинг ўзига алчагина вақт кетди. Шомга яқин Мелитополь станциясига яқинлашганларида ўйдим-чуқурлардан сакрайверіб қориган машина тақа тўхтади. Радиатордаги сув қайнаб бошлади.

Умар машинадан тушиди-да, челакни қўлга олиб тўғридаги оқ уйни мўлжалга олиб юра кетди. Эшикдан кириши билан унинг кўзи уч немис аёлига тушди. Улар ўртача кийиниб олишган, нималарнидир чуғурлашиб ўз тилида гаплашар эдилар. Солдатни кўриб аёллар жим бўлиб қолишди.

— Сув борми? Қаердан олсам бўлади?— деб Умар челакни кўтариб бир-икки уриб қўйди. Улар тушунмай елка қисишди. Солдатнинг ҳайрон бўлиб турганини кўрган аёллардан бири шубҳа туғдирмаслик учун русчани бузиб талаффуз этиб, уйдан ҳиёл нарироққа жойлашган қудуқ томонга ишора қилди.

Командир ён атрофни кўздан кечирар экан, бугун шу ерда бироз дам олиб, кейин йўлга тушажакларини айтди. Улар оқ уйга яқинлашгунларича, Умар аллақандай шубҳали кўринган ёт аёллар ҳақида ўз мулоҳазаларини Садовойга айтди. Аммо уй эгалари уларни очиқ чеҳралар билан кутиб олганларидан сўнг командирда аёлларга нисбатан ётсираш, ҳавфланиш аломатлари сезилмади. Шундай бўлсада, Умар ҳар эҳтимолга қарши автоматини тўғрилаб қўйди-да, безовта кўнглини бироз тинчитгандай бўлди.

Ён-атрофга қуюқ коронғулик соя ташлаган палла. Озгина тамадди қилиб олганларидан сўнг, кўнгил дам олишни тусаб қолди. Зум ўтмай хона бўйлаб диванда ётган командирнинг пишиллаб ухлаётган овози эшитила бошлади. Қаттиқ чарчаган Умарнинг ҳам кўзлари уйқусизликдан қизариб, аста юмилишга мойиллик сеза бошлаган эсада, нотинч кўнгил бунга йўл бермасди.

Вақт алламаҳалга етганда мудраб ўтирган Умар эшикни сезилар сезилмас ғичирлашидан ҳушёр тортиб, сергакланди. Барвақти немис қўлида ҳанжари билан командирнинг қошига яқинлашиб, унга санчишга бир баҳя қолганида, Умарнинг бормоқлари автоматни «сайратиб» юборди. Душман солдати гурсиллаб йиқилган онинг ўзидаёқ командир сапчиб ўрнидан турди. У ғап нимадалигини кўрди-ю, миннатдорчилик билан Умарни бағрига босди.

Шу топда хона остидаги ертўладан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитила бошлади. Душман солдати ўз эмаслигини сезган Умар ертўла эшиги томон борди-да, иккита гранатани усталик билан пастга ирғитди.

Ўқ овози ҳамда кучли портлашни эшитган, шу яқин атрофдан ўтиб кетаётган жангчиларимиз етиб келишди. Умар ирғитган гранатадан ертўлага яширинган 38 немис солдати ер тишлаб қолган, 3—4 таси яраланган эди. Умарнинг ўзи ҳам оғир яраланди.

Кейинчалик, қўмондонлик командирнинг ҳаётини омон сақлаб қолгани ва фронт орқасига яширинб, «нағма» кўрсатмоқчи бўлган душманни мардлик кўрсатиб, яксон қилгани учун У. Музаффаровни Қизил Юлдуз ордени билан тақдирлади.

1944 йил охирларидаги шиддатли жангларнинг бирида, поездларнинг тўқнашуви натижасида ниҳоятда оғир яраланган Музаффаровни фронт ортига жўнатишга тўғри келди. Уни авval Бокудаги госпиталда врач Муса Бобоевич Бобоев уч маротаба операция қилиб, ҳаётини сақлаб қолди. Бутун уруш давомида 8 маротаба оғир яраланган Умар ака энди жангни давом эттиролмас эди. У иккинчи группа инвалиди сифатида она шаҳри Тошкентга галаба билан бирга кириб борди. Унинг кўксини мардона мукофотлар безаб турар эди. Жангларда орттирган жароҳатларининг тез-тез ҳуруж қилиб туриши туфайли то 1972 йилгача Умар ака ўндан ошиқ оғир операцияларни бошидан кечирди.

Бу ўринда У. Музаффаров моҳир уролог Санд Умаровдан бир умрга миннатдор. Шу боисдан ҳам у Санд акани ҳалоскорим деб атайди.

Ҳозирги кунда Умар ака Музаффаров Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район «Коммунист» маҳалласидаги Аэроплан кўча, 90-уйда ўз оиласи билан тотли турмушидан завқланиб, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Уруш ветеранларига, хусусан инвалидларга кўрсатилаётган барча ғамхўрликлардан баҳраманд бўлаётган Умар ака ҳамиша партия ва ҳукуматимиздан миннатдор.

М. МИРАЛИЕВ.

БИЛИМ ЮРТИ КЕНГАЯДИ

Бекобод районидаги 158-ҳунар-техника билим юртида қишлоқ қурилиши мастерлари, дурадгорлик ҳамда кенг ихтисосли тракторчи-машинист мутахассисликлари бўйича 93 нафар ўқувчи таҳсил кўрмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрларни янада кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорига жавобан районнинг олтита хўжалигида механизаторлик курслари ташкил этилган. Билим юртининг Ленин номли, Дзержинский номли колхозлар, Ойбек номли, А. Мавлонов номли, «Авангард», «Октябрь 46 йиллиги» совхозларида жойлашган бу филиалларда 208 нафар киши механизаторлик касби сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

— Билим юртимизнинг келажаги янада порлоқ, — дейди ҳунар-техника билим юртининг директори Қ. Шербоев. — Янги ўқув йилидан бошлаб мавжуд мутахассисликлар ёнига яна электромонтёрлик, сувоқчи-бўёқчилик ва машинада сут соғиш операторлари каби ихтисосликлар ҳам қўшилади.

Уч йиллик курсларга 150 киши, бир йиллик курсларга эса 120 кишини қабул қилишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилган.

А. ҲАЙДАРОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



● **МОЛДАВИЯ. Кишинев шаҳар ижроия комитети ҳузурида Ф. Э. Дзержинский номли ёш регулировкачилар отряди ишлаб турибди. Суратда: навбатчилик олдидан инструктаж.**

● **МОСКВА. М. Горький номли ССР Иттифоқи Бадиий академик театри Германия Федератив Республикасига А. П. Чеховнинг «Уч опа-сингил» ва «Иванов» пьесаларн асосидаги спектакларини олиб борди. Чапдаги суратда шу спектаклдан кўринш.**

● **ЛЕНИНГРАД ОБЛАСТИ. Ломоносов районидаги парранда фабрикаси ўтган йили планга қўшимча 2 миллион бройлер етказиб берди. Пастдаги суратда: оператор Н. И. Дунаева цехда.**

И. Симоновский, В. Егоров ва О. Пороховников фотолари.

ТАСС фотохроникаси.





ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида илғор тажрибалар мактаби ҳам ишлаб турибди. Унинг кўпчилик машғулотлари қишлоқ хўжалигига бағишлаб ўтказилмоқда.

Яқинда бу ерга республикамизнинг турли областларидан илғор пиллакорлар ташриф буюришди. «Ихтисослаштирилган пиллачилик комплексларидан фойдаланиш» деган мавзуга бағишланган машғулот тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги пиллачилик бош бошқармаси Марказий конструкторлик-технологик бюроси томонидан ташкил этилган бу яхши тадбир илғор пиллачиларнинг бой иш тажрибаларини кенг оммалаштириш имконини берди.

МУЗЕЙДА КЎРГАЗМА

ЎЗБЕКИСТОН совет милициясининг тарихи ва жанговар шуҳрати музейи залларини янги экспонатлар билан бойиб бормоқда. Ўз фаолиятини бошлаган ўша дастлабки вақтда бу ерда инки мингтадан ортиқроқ экспонат мавжуд бўлса, эндиликда улар сони етти мингдан ортиб кетди.

Шу билан бирга унинг бўлимлари учта зал ҳисобига кенгайди. Музейда ишга тушган сўнгги зал тасвирий санъат асарлари учун ажратиб берилди.

Қисқа вақт ичида мазкур залда бирнеча тематик кўргазма ташкил этилди.

«Ҳамиша ҳушёр» деган навбатдаги экспозиция ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тортди. Мўйқалам усталаридан Р. Чорнев, Қ. Башаров, В. Жмакин кабиларнинг осойишталик посбонлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарлари кўпчиликка манзур бўлди.

Ибратли ишлари учун музейга «Халқ музейи» деган фахрли ном берилди.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

(Газетанинг навбатдаги сони 17-майда чиқади).

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА ҲАММА УЧУН

ЦЕХДАН — СТАДИОНГА

ЧИРЧИҚЛИК спортчиларнинг олдинги сафларда бораётган қишин эришган ва иссиққа чидамли металлар комбинати қуйи физкультура коллективи шаҳарда эмас, балки область ва республикада яхши танилган. Спорт клуби деган юксак номга сазовор бўлган «Сплав» байроғи остида қатнашаётган спортчиларнинг шиори «Олимпиада ҳамма учундир». Шунинг учун ҳам комбинатдаги цехлараро биринчиликлар ана шу шиор остида ўтказилмоқда.

Кеч бўлиши билан ёшлар стадион ва спорт секциялари томон йўл олишади. Ишлаб чиқаришда донг таратган зарбдорлар спортда ҳам ўрнак бўлишмоқда. Жумладан, 8-цех пайвандчиси К. Федотов городки спорти бўйича мастерликка номзоддир. Коммунистик меҳнат бригадасига бошчилик қилаётган бу пешқадам спорт машғулотларига ҳам кўплаб тенгдошларини тортмоқда. Шу цехда меҳнат қилаётган В. Биков эса СССР спорт мастери нишондоридир. 7-цех ишчиси Б. Қулнев ҳам комбинатда моҳир спортчи сифатида танишади.

Комбинат спортчилари СССР халқлари VII спартакиадасида қатнашадиган республикамиз терма командалари сафида ўз вакилларн борлиги билан фахрланадилар. Агар ўтган VI спартакиада финал беллашувларида «Сплав» спорт клубидан саккиз киши қатнашган бўлса, бугунги кунда VII спартакиада финал ўйинларига 15 спортчи тайёргарлик кўрмоқда. Булар штангачи А. Благодарний, Ю. Долгоновский, В. Манжосов, эшкак эшувчилар Турулов, А. Киякин, А. Петерс, В. Коноваловa, В. Салгучев, А. Литовченко, А. Гордеев, гандболчилар С. Землянова, М. Кешфиддинова, М. Шмшулина, Л. Абджалиева, велоспортчи Р. Везитдиновлардир.

Учинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этаётган комбинат коллективи физкультура ва спортга ҳам эътиборни кучайтирмоқда. Комбинат маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари спорт ишларини жонлантириш учун имкониятларни яратиб бермоқда, бир қатор турлар бўйича машғулотлар ўтказилаётган хона ва заллар қурилиб, етарли спорт анжомлари билан таъминланди. Тўгараклларга тажрибали мутахассислар Р. Ахмедшин, А. Искандаров, И. Кайзер сингари устозлар бошчилик қилишмоқда.

СССР Конституциясида давлатимиз тарихида биринчи марта ёшларни жисмоний жиҳатдан камол топтириш, оммавий спорт, физкультура ва туризмни ривожлантириш, шунингдек, дам олиш учун ҳамда бўш вақтдан оқилона фойдаланишга зарур бўлган барча шароитлар яратиш учун қулай имкониятлар вужудга келтириш лозимлиги қонунлаштирилди. Партия физкультура ва спорт совет халқининг кундалик турмушига сингиб кетишига, улар меҳнаткаш инсоннинг сиҳат-саломатлигини ва ижодий умри узоқлиги учун курашишдан иборат конкрет мақсадни амалга оширишларига ҳаракат қилмоқда. Комбинат маъмурияти ва партия ташкилоти партия ва ҳукуматимизнинг ана шу кўрсатмалари асосида иш тутиб, спортда сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Комбинатнинг соцнал иқтисодий ривожлантириш комплекс планида спорт иншоотлари қурилиши ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳам назарда тутилган.

Шунисн қувонарлики, комбинат ишчилари фақат ўзларигина спорт билан шуғулланиб қолмай, балки бунга оила аъзоларини ҳам жалб этмоқдалар. Бундан ташқари спорт клуби шаҳардаги 13, 14, 18-мактабларни оталиққа олган. Ўқувчи ёшлар жисмоний тарбия машғулотларини ва мусобақаларни комбинатда ўтказадилар, биргаликда ГТО комплексига норма топширадилар.

Комбинат ишчи ва хизматчилари ўртасида ҳар йили спортнинг ўн тури бўйича спартакиада ўтказиш анъана бўлиб қолган. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай спартакиадада турли ёшдаги кишилар қатнашдн.

Комбинатда моҳир спортчилар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Фақат кейинги уч йил мобайнида бир киши халқаро классдаги спорт мастери, 15 ҳаваскор СССР спорт мастери нормативини бажарди. 200 дан знёд киши мастерликка номзод ва биринчи разряд, 3 мингдан ортиқ киши оммавий разряд ва ГТО нишондори бўлди. Спорт клубида 16 секция ишлаб турибди. Бунда комбинатнинг мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилари маҳоратларини оширмоқдалар. «Сплав» спорт клубининг эшкак эшувчилари, велоспортчилари ҳамда оғир атлетикачилари шаҳар мусобақаларида ҳамиша ғолиблар сафидан ўрин олиб келишмоқда.

СССР халқлари ёзги VII спартакиадаси финал мусобақаларн байроғи кўтариладиган кун тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари анжуманида Ўзбекистон терма командаси сафида Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг вакиллари ҳам иштирок этишади. Улар республикамиз спортчилари муваффақиятига муносиб улуш қўшиш ниятидалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЕТТИТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Бокс бўйича Кёльнда олти кун давом этган Европа чемпионати совет спортчиларининг ажойиб ғалабаси билан тугади. Финалга чиққан саккиз боксчимизнинг еттитаси рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль эгаси бўлдилар. Фақат В. Савченкогина ютқазиб қўйиб, кумуш медаль билан тақдирланди. У югославиялик М. Перинович билан учрашди. Кескин бу беллашувда судьялар 3:2 ҳисобида Югославия боксчисини ғолиб деб топдилар.

Виктор Рибаков финалда рақиби Т. Андриковскини 30 секунддаёқ нокаутга учратиб, ғалаба қозонди. Бу Европа чемпионати финал беллашувларида энг қисқа давом этган беллашув бўлди.

Ш. Собиров, Н. Храпцов, В. Демьяненко, С. Қўноқбоев, А. Николяк ва Е. Горстковлар ҳам Европа чемпиони деган унвонга муяссар бўлдилар. Европанинг энг яхши боксчиси деб В. Рибаков тан олинди.

Совет Иттифоқи терма командаси сафида қатнашган 12 боксчимизнинг 10 таси чемпионатдан медаллар билан қайтди. Бундан аввалги қитъа биринчилигида бешта олтин медалин қўлга киритган боксчиларимиз бу сафар еттита олтин медалга сазовор бўлишди.

САККИЗ ТУРДАН СЎНГ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари саккизтадан учрашув ўтказишди. Саккизинчи тур ҳам пешқадамлар «Шахтёр» ва Тбилиси динамочилари учун омадли бўлди. Агар «Шахтёр» ўз майдонида «Қайрат»ни 1:0 ҳисобида енгган бўлса, Тбилиси динамочилари сафарда «Крылья Советов» билан учрашиб, 3:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Бу турда ҳужумчилар жами 19 та тўп киритишди. Саккизинчи турда еттинчи турдагига қараганда битта ортиқ тўп киритилган бўлса-да, бу кўрсаткични яхши деб бўлмайди. Негаки, бешинчи ва олтинчи турларда бир хил 24 тадан (бу ҳозирча рекорд кўрсаткич бўлиб турипти) тўп киритилган эди.

Бугун «Нефтчи» — «Заря», «Черноморец» — «Арарат» ўртасидаги учрашувлар билан тўққизинчи тур ўйинлари старт олади. Шу турнинг қолган ўйинлари 21, 22, 23 май кунлари бўлади.

Командаларнинг саккиз турдан кейин жадвалдаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў.	Т.	О.
Шахтёр	8	17— 2	15
Динамо (Тб)	8	16— 2	15
Динамо (М)	8	6— 4	10
ЦСКА	8	13— 9	9
Динамо (Мн)	8	8— 5	9
Динамо (К)	8	7— 6	9
Спартак	8	7— 7	9
Арарат	8	8— 6	9
Зенит	8	10—11	8
Пахтакор	8	10—13	8
Торпедо	8	8— 7	8
Черноморец	8	8— 7	8
СКА (Р/Д)	8	8—10	8
Локомотив	8	9— 8	7
Нефтчи	8	1—11	4
Заря	8	5—11	4
Крылья Советов	8	4—14	2
Қайрат	8	3—16	2

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОВЧИЛАР ВА БАЛИҚЧИЛАР ЖАМИЯТИ

20 МАЙ СОАТ 9.00 да

РЕСПУБЛИКА ОВЧИ ИТЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Итлар олдин Тошкент шаҳар овчилар жамиятида рўйхатдан ўтказилади (Ш. Руставели кўчаси, 1-тупик, 3-уй).

Итларни рўйхатдан ўтказиш учун олиб келганда қуйидаги ҳужжатлар ёнингизда бўлиши лозим: итнинг зоти ҳақидаги гувоҳнома, қутуришга ва ўлат касалига қарши эмланганлиги ҳамда итнинг соғлиғи тўғрисидаги справкалар (бошқа шаҳарликлар 1-формадаги справкани топширадилар).

КЎРГАЗМАГА БЕПУЛ КИРИЛАДИ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

24 МАЙ—10 ИЮНЬ КУНЛАРИ

КИЕВ МЮЗИК-ХОЛЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ телевизион конкурсларининг лауреати Татьяна КОЧЕРГИНА.

«РОМЕН МАЙСИГО» трноси — лўлилар халқ қўшиқлари.

Халқаро қўшиқлар конкурсларининг лауреати Богдан ЗАГУРСКА (Польша Халқ Республикаси).

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреатлари: Николай ГНАТЮК, Николай МОЗГОВОЙ, Михаил РУДЕНКО; Евгения, Дмитрий ва Алексей СИНИЦАЛАР; Екатерина ва Леонид КРАТАСЮКЛАР.

ЭСТРАДА-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ. ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ.

Бош дирижёр — А. ХАМРАЙ.

Бадиий раҳбар — Украина ССР халқ артисти, Х Халқаро ёшлар фестивалининг лауреати Лев СИЛАЕВ.

Концертлар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН 19 МАЙГАЧА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ва Свердлов номли концерт зали кассаларида сотилмоқда.

Администратор телефони: 46-07-53.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 10.50 — Партизан ертўласининг сири. Бадиий фильм. 11.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — М. Сервантес. Дон Кихот. 16.40 — Концерт. 17.05 — Уфқ. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.10— Ёш спортчининг катта майдони. 18.40 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Фан оламида. 20.25 — Т. Хренников. Учинчи симфония. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 3-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Фильм-концерт. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Мультфильм. 18.40 — Олимпия умидлари. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Рус тилини ўрганиш бўйича Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Бахтим бор, баҳорим бор. 21.30 — Вақт. 22.05 — Пилла—бойлигимиз. 22.20 — Хусумат. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Қирол Лир. Бадиий фильм. 2-серия. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/V да Риголетто, 16/V да Оламнинг яратилиши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/V да Фариблар, 16/V да Соқов рицарь.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК АВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/V да Тошболта ошиқ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/V да Чандиқлар (19.00), 16/V да Отилмаган ўқ (19.00).

ТЎЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИГА

электрпайвандчилар ва электропечларнинг термистлари

КЕРАК.

Мутахассислар квартира билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ўрта Чирчиқ райони, Тўйтепа шаҳри, Янги ҳаёт посёлкаси.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

(К. Маркс кўчаси, 32-уй)

20 МАЙ СОАТ 11.00 ДАН БОШЛАБ

институтга кирувчилар учун

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41, | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар —334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01969. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2392.